



**АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР  
БУХОРИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛК  
ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ҲАМДА  
ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ ИЛМИЙ -  
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ  
ЯРАТИШДАГИ ЎРНИ ВА  
АҲАМИЯТИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**ТЎПЛАМИ**

**Бухорои шариф - 2022**



**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ  
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА  
КАФЕДРАСИ**

**ШАРҚ ТИЛЛАРИ ТАЪЛИМИ ВА БУХОРИЙЛАР МЕРОСИНИ  
ЎРГАНИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ”  
МАРКАЗИ**

**“АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ  
МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛК ШАРҚ**

**РЕНЕССАНСИ ҲАМДА ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ  
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИШДАГИ  
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН  
ТЎПЛАМИ**

**2022 ЙИЛ 16-17 ИЮНЬ**

**Бухорои шариф – 2022**

Ахмад ибн Ҳафс Кабир ал-Бухорий мероси ва унинг илк Шарқ ренессанси ва Ислом фалсафаси илмий-назарий асослари яратишдаги ўрни ва аҳамияти / халқаро илмий-амалий анжуман тўплами. 16-17 июнь 2022 йил.

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

**Бобир Бахриевич НАМОЗОВ** – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент.

**Ҳакима Юсуповна САЛОМОВА** – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.

**Абдуҳаким Зиёитдинович ШАРИПОВ** – Бухоро давлат университети ҳузуридаги Педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент.

**Хусен Хайруллоевич ДЖУРАЕВ** – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

**Зубайдилло Ибодиллаевич НАРЗИЕВ** – Бухоро давлат университети Сиртки таълим йўналиши декани, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

### Ҳурматли мақола ва тезис муаллифлари!

Тўпламга киритилган мақолаларнинг савияси ва камчиликлари, плагиат учун муаллифларнинг ўзи масъул ҳисобланишини эслатамиз.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 мартдаги 101-Ф-сон фармойишига асосида ўтказилмоқда.

©Ислом тарихи ва манбашунослиги,  
фалсафа кафедраси  
©БухДУ

12. Маҳмуд Тохҳан. Тайсийру мустолаҳу-л-ҳадис. Мактабату-л-маъориф. Риёз 2001. Б44.
13. Мустафо Саидхон ва Бадиъус Саид Лиҳом. "Ал-ийзоҳ фий улумил ҳадис истилоҳ". – Дамашқ. "Дорул калимит тоййиб". 2009.
14. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий "Тарих ал-Авсат", Ж.4 1036
15. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. "Ал-Жомий ас-саҳиҳ" Ж.1 "Дору тавқун назм матбааси. 2000.
16. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. "Саҳиҳул Бухорий" Германия Лейпциг университет фонди №1326.
17. Сайид Абдулмажид Фовий. "Муъжсамул мусталаҳотил ҳадис". – Дамашқ. "Ибн Касир" нашриёти. 2007.
18. Тожиддин Субукий. Табақотуш-шофиъияти-л-л-кубро. Ж.2. – Қоҳира. Дорул Хадис 1992.
19. Туркия Диёнат Вақфи Ислом энциклопедияси; Исҳоқ ибн Роҳавайҳ. Муснад. Ж.1 Мадина. "Мактабатул иймон". 1991.
20. Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. Ж.2. – Бағдод. "Дорул кутубил илмия".
21. Ҳамза Абдуллоҳ Малиборий "Манҳажул Имам ал-Бухорий фий тасҳиҳил аҳадит ват таълилиҳа" "Дору ибн Ҳазм". Байрут 2000. – Б71.
22. Шамсиддин Заҳабий "Сияру аъламун нубало" Ж.11.

## АБУ ҲАФС КАБИР-ИМОМ БУХОРИЙНИНГ МАЪНАВИЙ УСТОЗИ

Нутфулло Насруллоевич ТЕШАЕВ

Бухоро давлат университети "Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими" кафедраси доценти ф.ф.н.

Ислом оламида Куръони-каримдан кейинги муътабар манбаъ-иккинчи муқаддас китоб Ҳадиси шарифдир. Шариф деган сўз арабча бўлиб, шарафли, азиз, кадрли маъноларни англатади. Куръони каримни Каломи шариф деб ҳам деб атайдилар. Шунингдек, шариф унвонига сазовор бўлган шаҳарлар ҳам бор: Шом, Бағдод, Қуддус, Мозор, Бухорои шариф.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган гаплари, қилган ишлари, шунингдек пайғамбар алайҳиссалом бошқаларнинг бирор ишини кўриб, уни маън қилмаган бўлса ҳам шуларнинг ҳаммаси суннат ҳисобланади. Булар ҳақидаги далолат эса ҳадисдир. Ҳазрат Баҳоуддиннинг устозлари ҳазрат Мир Кулол деганларки, ўнг қўлингизда Куръони карим, чап қўлингизда эса Ҳадиси шариф бўлсин. Ана шу икки китобдаги таълимотга риоя қилсангиз, асло адашмайсиз.

IX асрда пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларини жамлаш, уларни ёйиш, санаб (аниқ, хатосиз)ларини шубҳалиларидан саралаш кучаяди. Муаррихлар бу асрни „аср“ ёки „олтин давр“ асри деб атайдилар. Ал-Бухорий, Муслим, ан-Насафий, Абу Довуд, Ат-Термизий, Ибн Можжа каби муҳаддислар худди шу асрда яшаб, фаолият кўрсатган. Уларнинг асарлари „Кутуби ситта“ („Олти китоб“) номи билан бутун дунёда машҳур.

Улуғ муҳаддислар орасида Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ислом ал-Бухорий биринчи ўринда турадилар, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки Имом Бухорий (Имом Абу Абдуллоҳ шу ном билан бутун оламга танилган) гача ўтган муҳаддислар пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини саҳиҳ ё шубҳали бўлишига эътибор бермай китоблар кiritаверганлар. Тўғри Муҳаммад алайҳиссалом тирикликларида ҳадислари қўйиб олганлар бўлган. Жумладан, Али ибн Толиб, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Анас ва бошқалар саҳобалар саҳиҳ ҳадисларни ёзиб олганлар. Лекин йиллар ўтавериб, миллий-сиёсий ихтилофлар кучайган, динга фойдаси тегар мақсадида айримлар пайғамбар алайҳиссалом номларидан ҳадислар тўқиганлар. Фикҳ ва илми калом соҳасидаги зиддиятлар, амир ва ҳокимларга хушомадгўйлик оқибатида кўплаб ишонарсиз ҳадислар ҳам юзага келди. „Мендан ривоят қилинган бирор ҳадисни эшитганларингизда дилларингизга таълим берин“

баданларингизда таъсир қиладиган ва ақилларингизга сиғадиган бўлса, демак, у менинг айтган ҳадисимдир. Аммо эшитган ҳадисларингиз бунинг акси деб туюлса у менинг ҳадисим эмасдир”<sup>1</sup>, деб таъкидлаганлар пайғамбар алайҳиссалом.

Имом Бухорийнинг туғилган йиллари, ҳатто куни ҳам аниқ-ҳижрий сананинг 194 йили, шаввол ойининг 13 куни, яъни мелодий 810 йил, 20 июль имом Бухоро шаҳрида туғилган, оталари имом Исмоил саводли бўлганликлари учун бу санани ёзиб қолдирган. Имомнинг исмлари Муҳаммаддир. Имом Бухорий биринчи бўлиб ҳадислар саҳиҳини айри саҳиҳдан саралаганлар. Бу оғир меҳнат, улкан билим тинимсиз риёзат талаб қиладиган шарафли иш бўлган. Бу вақтга келиб Бухоро “Қуббатул ислом” – ислом динининг гумбази деган ном олган ва шариф шаҳарда илму санъат, маданияту маърифат ривож топган. Бухоро олимлари жаҳонга машҳур бўлган пайтда Ҳожа имом Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий (834 йил марҳум бўлганлар) ва бошқа алломалар илмни тарқатиш, олимларнинг кўпайишида улкан хизматлар қилган<sup>2</sup>.

Маълумки, Бухоро шаҳрида биринчи бўлиб Қутайба ибн муслим томонидан 712 йил масжид бино қилинган. Шунинг таъкидлаш лозимки, бу масжид ўша даврда ҳам мактаб, ҳам мадраса вазифасини ўтаган.

Наршахийнинг ёзишларича, Бухоро Абу Ҳафс Кабир туфайли “Қуббатул ислом” номини олган. У кишининг ўғли Абу Абдуллоҳ (Абу Ҳафси Сағир деб ҳам атаганлар) илмлари шу даражага етганки ҳожилар карвони Каъбадан қайтаётганда, уларнинг уламолари Ҳожа Имом Абу Ҳафс ёнларига бориб, у кишидан муаммоли масалаларга жавоб сўрар экан. Шунда Абу Ҳафс “Ўзинг-ку Ироқдан келаяпсан, нима учун Ироқ олимларидан сўрамадинг?” деганда у олим: “Бу масалада Ироқ олимлари билан мунозара қилдим, улар жавоб бера олмадилар ва менга Бухорога борганда бу муаммони Ҳожа Имом Абу Ҳафс ёки у кишининг фарзандларидан сўра!” дедилар.

Имом бир неча-кундузда Қуръони каримни икки маротоба хатм қилдилар, шу билан бирга шогирдларига ҳам дарс берар эканлар.<sup>3</sup>

Юқоридаги нақлдан маълум бўляптики, Имом Бухорий, Абу Исҳоқ Гулободий Бухорий, Ибн-Сино Абдуҳолик Ғиждувоний каби буюк алломаларнинг Бухорода ўсиб ойнаши беҳикмат эмас, балки Бухорода аллақачон бундай алломалар учун илму илму рфоний замин ҳозирланган эди. Бухоро Байтул ҳикмати пойдеворини Имом Ҳоҷатбарор номи билан бутун дунёга танилган зот Абу Ҳафс Кабир Бухорий қўйган эдилар.

Манбаларда қайт қилинишича, Абу Ҳафс Кабир Бухорий имом Бухорийга дарс бериб, у кишидаги ҳадисга бўлган муҳаббатни билгач, Имом Бухорий ҳақларига дуо қилиб: “Келажакда бу кишидан улў муҳаддис чиқади!” деб каромат қилганлар. Имом Бухорий бобомизнинг тўплаган ҳадислари меҳру-мурувват, мардлику саховат, инсофу тавфик, адолату покликни тарғиб қилади. Миллатчилигу маҳаллачилик, кибру шухратпарастлик, таъмагарлигу, худбинлик, воҳишабозлигу, ёлғончилик каби иллатлар қораланади. Имом Бухорийнинг “Ал-Жомий Ас-Саҳиҳ” китоблардаги ҳадислардан намуналар:

“Имоннинг мукамал бўлмоғининг уч шарти: - тўғри эътиқодли бўлмоқ; - кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ; - киши ўз устида ишлагоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чиниктирмоғи лозим”.

“Мунофиқликнинг аломатлари қуйидагилардан иборат: - омонатга хиёнатга қилгайдир; - сўзласа, ёлғон сўзлагайдир; - шартнома тузса шартда турмагайдир; - урушиб қолса, кек саклагайдир ва ноҳақлик қилгайдир”.

“Киши баданига бир парча гўшт бор, агар у тузалса, аъзоларининг барчаси тузалгайдир, агар у бузилса, аъзоларининг барчаси бузилгайдир. У қалбдир!”.

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Ҳадис ва ҳаёт” Т. “Hilol – Nashr”, 2021, 57-58 бетлар.

<sup>2</sup> Муҳаммад Наршахий, “Бухоро тарихи”, Т. 1996, 20-21 бетлар.

<sup>3</sup> Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи”, Т. 1996, 130 бет.

Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Амаллар ниятга қараб қабул қилинур, ким қандай ният қилгайдур шунга эришгувсидир”.

Расулulloҳ қўйидагилар қиёмат аломатларидир, деганлар: “-илмнинг сусаймоғи; жаҳолатни кучаймоғи; зинонинг авж олмоғи; хотинларни қўпаймоғи; эркакларнинг озаймоғи. Ҳатто 50 нафар хотинга 1 нафар эркакнинг бошчилик (эрлик) қилмоғи”.

Бир-бирингизни ёмон кўрманглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар, аразламанглар, ака-ука тутиниб, Аллоҳнинг солиҳ бандалари бўлинг. Мусулмон одам ўз биродари билан уч кундан ортиқ аразлашмасин!

Қариндошларга оқибатсиз одам жаннатга кирмайди. Ҳар бир эзгу иш садақадур. Ёмонликдан ўзини тийиш ҳам садақа. Ширин сўз – садақа ҳисобланади.

Хуллас Ҳадис илмини ўрганиб, юксак маънавий фазилатларни халқимизга етказиш ҳамда бугунги жамият ва илм-фан тараққиётидаги аҳамиятни ёритиб бериш жуда муҳимдир.

## “ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ” - АМАЛИЙ АХЛОҚ ТАКОМИЛИ ИФОДАСИ

Зокиржон Шокирович ҲАМИДОВ

*Андижон давлат университети доценти*

**Аннотация:** Мақолада набий ва пайғамбарларнинг Аллоҳнинг ердаги ибрат вакили сифатида инсонлар, раият ва қавмларни эзгулик ва хидоят йўлига бошлашларида ахлоқий идеал вазифасини бажарганликлари аниқ мисоллар асосида ёритилади.

**Калит сўзлар:** пайғамбар, расул, набий, ваҳий, дин, Аллоҳ, хулқ, илоҳий китоб, иблис, қавм.

**Аннотация:** В статье, на основе конкретных примеров, рассматривается, что наби и пророки, как образцовые представители Бога на земле, играли роль морального идеала, направляя людей, подданных и народы на путь благости и хидаята.

**Ключевые слова:** пророк, (расул) посланник, наби, откровение, религия, Аллах, нравственность, божественная книга, дьявол, люди.

The article illustrates that the nabi and prophets, as exemplary representatives of God on earth, played the role of moral ideal in guiding people and nations to the path of goodness and hidayah.

**Key words:** prophet, rasool (apostle messenger), nabi, revelation, religion, Allah, character, divine book, devil, people.

Инсоният тарихини маълум маънода ахлоқ, ахлоқийликнинг ривожланиш тарихи сифатида олиб қараш мақсадга мувофиқ. Зеро, жамиятнинг жамият бўлиши, одамнинг биологик жонзоддан ижтимоий вужуд, ҳазрати инсон даражасига кўтарилиши ахлоқ туфайлидир. Ахлоқ илоҳий яратувчиликнинг ноёб дурдонаси, буюк донишмандликнинг мислсиз намунасидир. Бунда дин, диний тузилмалар, анбиё ва пайғамбарларнинг оммага раиятга, қавмга Аллоҳнинг биру борлигини тан олишлари, Аллоҳ розилиги йўлида ҳаракат қилишларини англатишлари белгилловчи аҳамият касб этди.

Эътиборимиз қаратилаётган “Пайғамбарлар тарихи. Исломият тарихи” (Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир Анвар қори Турсунов; нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, И.Нуруллоҳ, Ш.Атамуродов. – Т.: “Movaqouppahr”, 2020.– 444-б.) китоби сўзбошисидан Тошкент шаҳар бош имом-ҳатиби Анвар қори (жойлари жаннатда бўлсин!) шундай деган: “Тўғри йўл Аллоҳ илмини эгаллашликда, унга амалда бўлмоқликда. Ҳар бир нарса моҳиятини фаросат билан англамоқликда. Бу борада ҳар бир набий ва расулнинг ҳаёт йўлини ўқиб-ўрганиш дастур ва мактабдир. Чунки уларнинг барчалари илоҳий интизомга содиқ ва собит танланган бандалардир. Бинобарин, анбиёлар ҳақиқатини ўрганиш динлар тарихини билишликдир. Ислом ва унгача бўлган ҳаётдан хабардор бўлишликдир. Бу нарса

Jamolova D.M. Abdulloyev S.S.	XIX asr oxiri xx asr boshlarida Buxoro amirligi ta'lim tizimida eskilik tarafdorlari va jadid maktablari o'rtasidagi kurash mufti Muhammad Ikrom domla misolida	257
Bo'stonova Z.B.	"Tarixi Salimiy" asarida davlat amaldorlari tavsifi	259
Nosirov SH.O'	Sadriddin Ayniy asarlari buxoro inqilobini tarixini o'rganuvchi manba sifatida.	261
Jamolova D.M. Safoyeva SH.	Muhammad Munshiy va uning "Tarixi Muqimxoniy" asari haqida	263
Собиров А.В. Jumaev M.	Академик А. Муҳаммаджонов – Бухоро тарихи тадқиқотчиси Somoniyalar va Qoraxoniylar davri siyosiy hayotida Buxoroning o'rni	266
Temirova G.	Somoniyalar davrida ilm-fan, ta'lim va me'morchilik	270
Sharopov D.	Abdullaxon tashqi siyosatida xo'ja islom Jo'yoriyning tutgan o'rni.	271
Beshimov Maqsud	Mang'itlar davrida Buxoroda madaniy hayot (me'morchilik, adabiyot va san'at).	273
Абдуллаева Н.	Садриддин Айний – йирик жамоат арбоби ва маърифатпарвар адиб	275
Алламов А.А. Алламов А.А. Жўраев Ш.Ф.	Моҳитобон ёхуд Хўжа Ориф Ревгарий маънавияти Тасаввуф ва аёл	277
Murtozayev Sh.B.	Shihobuddin as-Suhravardiy asarining O'rta Osiyodagi bir sharhi xususida	280
Жаббарова Ҳ.	Шарк фалсафасида гендер тенглик ҳақида қарашлар	282
Qarshiyeva D.E.	Yoshlarni tarbiyalashda milliy qadriyatning o'rni	284
Б.Х. Каримов	Тасаввуф таълимотида руҳий камолот масаласи	286
Нурматова Н.У.	Миллий меросимизда "Хуш дар дам" рашқаси	288
Раҳмонова М.	Ислам моҳияти Фитрат мажозий талқинида.	290
Muhammadiyev L.G'	Yoshlar ongida umuminsoniy qadriyatlarni shakllantirishda diniy va dunyoviy bilimlar uyg'unlashuvida zamonaviy innovatsion yondashuvlar	293
Бахриев О.А.	Ҳадис султониининг фикҳий қарашлари	296
Мухаммеджанова Л.А. Ғафурова Ш.Н.	Жамият ривожиди шахсий тарбиянинг аҳамияти ва бу ҳақида шарқ фалсафасидаги фикрлар	299
Элмуротов Ж.	Ҳадисшунослик илмида Имом ал-Бухорийнинг тутган ўрни.	303
Даурбекова И.	"Саҳихул бухорий" – устоз ўтиги билан яратилган асар.	305
Тешаев Н.Н.	Абу Ҳафс Кабир-Имом Бухорийнинг маънавий устози	308
Ҳамидов З.Ш.	"Пайғамбарлар тарихи" - амалий ахлоқ тақомили йфодаси	314
Yaxshimurodova N.	Islom olamining eng buyuk muhaddislari va ularning ilmiy me'rosini o'rganish	316
Маҳмудов Р.Ж.	Ёшларда умуминсоний қадриятларни "ахлоқий муҳсиний" асарини ўргатишнинг замонавий инновацион ёндашуви	320
Мамиров А.Н.	Ёшлар онгида толерантлик тушунчасини шакллантиришнинг миллий қадриятларимизни тақомиллаштиришдаги роли	324
CH.A. Azimova	Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishda ahmad yassaviy merosining tutgan o'rni	327
Жўраева Д.Ж.	"Бобурнома" асарининг ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёсини шакллантиришдаги аҳамияти.	331
Бобомуродов Э. Жовлиев Ж.	Янги Ўзбекистон ёшлари онгида миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантиришга диний ва дунёвий билимларнинг ўрни ва роли	333
Мамашикуров Б.Б.	Бухоро фикҳ мактаби ва унда ёзилган фатво асарлари	336
Гуламова М.Т.	Аҳмад Зиёуддин ал - Кумушхонавийнинг "Ромузул-аҳодис" асарининг ҳадисшуносликдаги ўрни	340
Xolova U. Temirov F.U.	Sharifjon Maxdum Sadr Ziyo va uning noyob kutubxonasi.	344
Раупов С.С.	Шарк ва Ғарб ренессанси: умумийлик ва ўзига хослик	347
Jamolova M.	Farhod Qosimov - Buxoro tarixi tadqiqotchisi	349
Эшпулатов И.С.	Абу Наср Фаробий фалсафаси	352
		354